



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Марказий банк Бошқаруви
асосий ставкани **йиллик 15 фоиз**
даражасида сақлаб қолди


Матбуот анжумани

2023 йил 26 январь




Иқтисодий ўсиш 2022 йилда 5,7 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши




ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси




2022 йилда **саноат** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **5,2 фоизга** (ЯИМнинг реал ўсишига қўшган ҳиссаси - 1,3 ф.б.), кўрсатилган **хизматлар** ҳажми **15,9 фоизга** (3,2 ф.б.), қурилиш ишлари ҳажми **6,6 фоизга** (0,4 ф.б.) ва қишлоқ хўжалиги – **3,6 фоизга** (0,8 ф.б.) ўсди.

Асосий капиталга инвестициялар

Асосий капиталга
инвестицияларнинг реал ўсиши




Асосий капиталга инвестицияларнинг
реал ўсиши декомпозицияси




2022 йилда **асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар** 2022 йилда 0,5 фоизга камайди. Бунда, **марказлашган** инвестициялар 23 фоизга (*инвестицияларнинг камайишига таъсирি -4,4 ф.б.*) қисқарган бўлса, **марказлашмаган** инвестициялар 4,9 фоизга (3,9 ф.б.) ўсади.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари

Савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар




Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми



2022 йилда **савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар** 2021 йилга нисбатан 29,1 фоизга (58,4 трлн сўм) ўсди. **Истеъмол товарлари** ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилда 19,4 фоизга, шундан, **озиқ-овқат товарлари** ишлаб чиқариш ҳажми 17,5 фоизга, **ноозик-овқат товарлари** ишлаб чиқариш ҳажми эса 20,4 фоизга ортди.

Ташқи савдо операциялари

Экспорт ҳажми (млн. долларда)




нарх эффицити

экспорт (олтинсиз)

олтин

Кўрсаткич	2021	2022	Ўзгариши
Экспорт	16 660	19 309	15,9%
Экспорт (олтинсиз)	12 551	15 199	21,1%

Импорт ҳажми (млн. долларда)




Импорт

нарх эффицити


Кўрсаткич	2021	2022	Ўзгариши
Импорт	25 498	30 699	20,4%
Нарх эффицити		505	
озиқ-овқат маҳсулотлари		395	
энергетика ва нефть		430	
бошқа товарлар		-320	

2022 йилда экспорт ва импорт ҳажмлари сезиларли даражада ўси. Дастребки ҳисобкитобларга кўра, экспорт ҳажмининг **1,4 млрд.** долларни нарх таъсирида ҳисобига ўсган. Импорт ҳажмида нарх таъсири асосан озиқ-овқат ва энергия маҳсулотларида кузатилди.

Трансчегаравий пул ўтказмалари
(млн. доллар)




Аҳоли билан валюта амалиётлари
(млн. доллар)



2022 йилда мамлакатимизга 16,9 млрд. долларлик пул ўтказмалари кириб келган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 2,1 баробарга ортиқ бўлди. Ушбу даврда банкларнинг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги ижобий тафовут 2,9 млрд. долларга тенг бўлди. Бунда, аҳолининг валюта сотуви 11,9 млрд. долларни ва аҳолининг валюта хариди 8,9 млрд. долларни ташкил қилди.


Савдо ҳамкорларимизда кутилаётган фаоллик



Манба: Жаҳон Банки, январь 2023 йил

Жаҳон банкининг сўнгги прогнозларида **барча асосий савдо ҳамкорларимизда иқтисодий ўсиш прогнозлари пасайиш томонга кўриб чиқилган**. Хитойнинг пандемия бошланишидан сўнг тўлиқ очилиши фонида жаҳон иқтисодиётининг қисман тикланиши кутилмоқда.


Глобал иқтисодий ўсиш истиқболлари



Манба: Жаҳон Банки, январь 2023 йил

Юқори инфляция даражаси, глобал қатъий пул-кредит ва молиявий шароитлар, иирик иқтисодиётлардаги фаолликнинг мўтадиллиги ва ортиб бораётган геосиёсий кескинликлар ҳисобига жаҳон иқтисодиётида хатар ва ноаниқлик сақланиб қолмоқда.


2022 йилнинг II ярим йиллигига базавий инфляция юқори суръатларда ўсиб борди



2022 йилнинг декабрь ойида умумий инфляция **12,3** фоизни ташкил этди. **Базавий инфляция** эса **13,8** фоизгача тезлашди. Базавий инфляциянинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **10,4** фоиз бандгача ошди (йил бошида 6,6 фоиз банд).

Аҳолининг инфляцион кутилмалари

2022 йил, фоизда



レスポンденцииларнинг улуши, фоизда


Онлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42	44	51	49
Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27	30	38	40
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31	34	35	36
Иш хақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28	27	28	35
Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42	49	37	27
Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18	22	22	20
Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юкорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11	11	11	11

Декабрь ойида аҳолининг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмалари **15,5 фоизга** тенг бўлиб, медиана қиймати **14,4 фоизгача** тезлашди.

Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий онлар сифатида **валюта курсидаги ўзгаришлар** ҳамда **ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши** таъкидланган.

Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари

2022 йил, фоизда



レスpondentlарнинг улуши, фоизда

Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Валюта курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39	44	48	49
Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг кимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35	39	50	35
Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар кимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21	21	32	33
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23	22	24	30
Хориждан хомашё етказиб беришдаги узилишлар мавжудлиги	16	16	22	22	21	22	23	21	19	16	20	19
Иқтисодиётда ракобат мұхитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14	13	15	18
Тижорий бино ва ижара түрлөвлерининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11	11	14	13

Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан бироз юқорилаб, **14,7 фоизни ташкил этди**, медиана қиймати эса **13,3 фоизни атрофида шаклланди**.


Бунда, нархларга **ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматлари нархининг ошиши, валюта курси ўзгариши ҳамда импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши** каби омиллар таъсир этиши мумкинлигини қайд этилди.

Глобал инфляция ва пул-кредит сиёсати

Глобал инфляция даражаси (%)




Пул-кредит шароитларини
ўзгартираётган Марказий банклар сони




Инфляциянинг бироз секинлашишига қарамай, кўплаб Марказий банклар инфляцион кутилмаларни жиловлаш ва базавий инфляцияни пасайтириш мақсадида пул-кредит шароитларини қатъийлаштиришда давом этмоқда. Бу эса, ташқи молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини қисқартиради.

UZONIA ставкаси тўлиқ фоиз коридори доирасида шаклланди

UZONIA бенчмарк ставкаси
динамикаси




Муддатли UZONIA ставкалари ва
UZONIA индекси




“UZONIA” бенчмарк ставкаси 2022 йилда тўлиқ фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин даражада шаклланди. Сўнгги чорақда UZONIA нинг асосий ставкадан бироз пастроқ даражада деярли тебранишларсиз шаклланиши кузатилган бўлиб, **умумий ликвидлик ҳажмининг юқорилиги ва банкларнинг нарх белгилаш жараёни билан боғлиқ**.

Иқтисодиётда “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитлари таъминланмоқда

Марказий банк асосий ставкаси



Банклараро пул бозори фоиз ставкаси



2022 йил август-декабрь ойларида асосий ставканинг ўзгаришсиз қолиши ҳамда инфляциянинг келгуси йилда кутилаётган пасаювчи динамикаси асосий ставка **реал даражасининг 3,3 фоизгача** ортишига хизмат қилди. Пул бозоридаги реал фоиз ставкаси декабрь ойида **2,4 фоизга** тенг бўлди (инфляциянинг келгуси 6 ойлик прогнози асосида).

Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари



2022 йил декабрда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртacha фоиз ставкаси **20,2 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **16,9 фоизни** ташкил этди.


Инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,1 фоизга** ва юридик шахсларда **4,1 фоизга** тенг бўлди.

Аҳолининг муддатли депозитлар динамикаси ойлик ўзгариш, фоизда



Март оидаги тебранишларни ҳисобга олмаганда миллий валюта курсининг барқарорлиги ва депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкалари ҳисобига аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари 2022 йилда **1,6 баробарга** ошди (хорижий валютадаги муддатли депозитлари сезиларли ўзгармаган).

Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




2022 йил декабрда қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари **22,2 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **22,4 фоизни** ташкил этди.


Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари декабрь ойида мос равишда **22,4 ва 22,2 фоизга** тенг бўлди.

Иқтисодиётга кредитлар ялпи талабни рағбатлантиримоқда

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари




Аҳолига ажратилган кредитлар




Иқтисодиётга кредитлар ўсиши сўнгги ойларда бироз тезлашиб, 2022 йилда жами кредитларнинг йиллик ўсиши **21,4 фоизни** ташкил этди. Миллий валютадаги кредитлар **26,2 фоизга**, хорижий валютадаги кредитлар эса (валюта курси таъсирисиз) **12,2 фоизга** ўсди. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи йиллик **45,2 фоизга** (31,4 трлн сўм) ошиб, жами кредитлардаги улуши 1 январь ҳолатига **25 фоизга** етди (100,8 трлн.сўм).

Реал ЯИМ ўсиши прогнози




ЯИМ тафовути прогнози




Жорий йил I чорақда ЯИМ ўсишининг маълум даражада **секинлашиши** бўйича эҳтимоллик юқори ва 2023 йил якунидаги иқтисодиётнинг **4,5-5** фоизга ўсиши кутилмоқда. Иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ҳисобига **салбий ЯИМ тафовути** кенгайиб, келгуси йилларда ёпилиб боради.

Инфляция даражаси прогнози



Базавий инфляция прогнози



Базавий сценарий бўйича 2023 йилда йиллик инфляциянинг **8,5-9,5 фоиз** атрофида бўлиши ва 2024 йилда **5-6 фоизгача** пасайиши прогноз қилинмоқда.

Инфляция прогнозини ҳисобга олиб келгусида пул бозоридаги фоиз ставкалар “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитларига мувофиқ шаклланиб боради.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Марказий банк Бошқаруви
асосий ставкани **йиллик 15 фоиз**
даражасида сақлаб қолди

Матбуот анжумани

2023 йил 26 январь

